

## ЎЗБЕКИСТОН ИЖТИМОЙ ШЎРОЛАР ЖУМХУРИЯТИНИНГ ИККИНЧИ КУРУЛТОЙИ МУХТАРАМ РАЁСАТ ХАЙЪАТИГА ЧЎЛПОН (АБДУЛХАМИД СУЛАЙМОН) ТОМОНИДАН ЭЪТИРОЗ

Мухтарам курултойнинг ишларига маъзур важхлар билан бўлиб, якиндан аралаша олмаганим учун таассуф киламан ва сиз мухтарам хайъатдан ўтинаманим, менинг куйидаги аризамни мухтарам курултойга етказсангиз экан.

Улуг Октябрнинг аввалларидан бери ишчи-дехконларнинг инкилобий ҳукуматлари томонида бўлиб маориф ва маданият соҳаларида кўлимдан келган қадар самимият билан ишлаб келганим маълумдир. Ватандошлар урушининг энг кизгин даврларида, шонли кизил аскарнинг «Перекоп» музаффарияти дамларида коммунистлар фиркаси томонидан ишлатилган бир газетанинг (ўша вақтнинг энг сўл газетаси) — «Роста»нинг бошида туриб, кўлдан келган қадар инкилобга ва унинг енгишига хизмат қилганман. Бу Тошкентнинг ҳамма шўро ва фирка ишчиларига маълумдир. Ундан сўнг бошқа газета, журналлар ва ниҳоят театр ишларида ҳам, шу ишларнинг раҳбари бўлган сиёсий идоралар назоратида, ўшаларнинг кўрсатган йўллари билан пшлаб келганман. Булар ҳам ҳар қайсиси ўз кишиларига маълум.

Сўнгги икки-уч йил орасида шоирлик ва ёшлик майллари билан баъзи бир хатоларим бўлди. Чунончи, миллатчилик ва ватанпарастлик руҳида шеърлар ва нарсалар ёзиб, баъзи жойда шу йўлда сўзлаганларим ҳам бўлди. Сўнг вақтда, айниқса, Москвада ўқиган вақтларимнинг сўнгида ўз хатоларимга ўзим ҳам тушундим.

У ёзган нарсаларим ва сўзлаган сўзларим, камбагал ва йўқсуллар душманларининг фойдасига хизмат қилганини билдим. Башариятнинг умумий саодати, эзганлар ва бойларга қарши эзилганлар ва йўқсулларнинг қурашида эканини англадим. Дунёда асосан икки қарама-қарши жабухага бўлинган бойлар билан камбагалларнинг қурашида ҳақ ва ҳақиқатнинг камбагал ва йўқсуллар томонида эканига қаноат қилдим. Мундан сўнгги ишимда шу қаноат ва ишончимни асос қилиб тутмакка қарор бердим.

Мундан сўнг шу йўлдаги азимни иш билан кўрсатиб, иш орқасида ҳалиги хатоларни ишчи-дехконнинг кўнглидан кетказишга ҳаракат қиламан.

Мундан сўнг ўз фаолиятим учун ўзим севган театр соҳасини олиб, унда яқинда (шу йил) РКП(б) Марказий Комитети ташвиқот-тарғибот шўъбаси ёнида бўлган театр маслаҳат мажлисининг қарори асосида, ўшани дастур қилиб иш қилишимни арз қиламан.

---

Эътироз. — Мазкур хат «Маориф ва ўқитгувчи» журналининг 1927 йил 12-сонида эълон қилинган. 20-йилларнинг ўрталарига келиб Чўлпон ижодидан гоёвий хатолар қидириш, уни йиғлоқликда, буржуа мафкурачилигида айблаш руҳи билан сугорилган қатор

маколалар эълон килинди. Умуман, шу вақтга келиб сиёсий вазият анча кескинлашган, вульгар социологик танқид хужумга ўтган эди. Адиб А. Кодирийнинг айтиши шу вақтда хибсга олинганини эътиборга олсак, булар келгусидаги катагонларнинг бош репетицияси эканини аниқлаш қийин эмас. Айтиши шу шароитда Чўлпон маданиятчилар курултойи раёсатига ушбу хат билан мурожаат қилиб, ўлгаинг хизматларини эслатади, «гунохларига тавба» қилади.

«Курултойнинг ишларига маъзур сабаблар билан бўлиб, яқиндан аралашолмаганим учун таассуф қиламан...» — албатта, курултой соғлом вазиятда, ижодий фикр алмашишда ўтганида Чўлпон «маъзур сабаб»ларни рўқач қилмасдан, курултойда жон-дилдан иштирок этган бўлар эди.

«Перекоп музаффарияти дамларида...» — 1920 йил 7 ноябрда Кизил Армия кўшинлари Сиваш кўлтигидан кечиб ўтиб Перекопни эгалладилар ва Врангелнинг кўшинлари 16 ноябрга келиб батамом тор-мор қилинди. Бу вақтда Чўлпон Тошкентда «РосТА» газетасига (бир саҳифалик деворий газета) муҳаррирлик қилар эди.